ПЕДАГОГИКАНИНГ ЎЗ МАЗМУНИНИ БОЙИТИШ ВА ЯНГИЛАШ МАҚСАДИДА МАВЖУД ПЕДАГОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁНЛАРИ

Кукон Давлат педагогика институти Бошлангич таълим факультети Факультетлараро педагогика ва психология кафедра катта ўқитувчиси Каримова Мукаррамхон Халимовна.
1.Мухаммадова Юлдузхон Акбаржон қизи 05.23
2.Носирова Захрохон Одилбек қизи.Matematika 04 23

Аннотация: Ушбу мақолада педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари ёш авлодни тарбиялаш' билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш'билиш йўллари,услублари ва воситалари мажмуини тушунтириб берган. Педагогика ўқитиш'билим бериш'тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини ўрганиш-билишни маъқуллайди,кузатиш, сўраш усуллари, ўқувчилар фаолиятининг натижаларини ва таълим-тарбия муассасаларининг ҳужжатларини ўрганиш кенг

қўлланилишини кўрсатиб берган.

Калит сўзлар : илмий-тадқиқот, метод, услуб, восита, ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш, жараён, моҳият , ўрганиш-билиш, кузатиш, сўраш , фаолият, таълим.

Существующие педагогические мероприятия и процессы с целью обогащения и обновления содержания педагогики.

Аннотация: В данной статье научно-исследовательские методы педагогики объясняют совокупность способов, методов и средств познания, методов и средств воспитания подрастающего поколения, формирования у них знаний и проверки внутренних связей и связей, характерных для реальных процессов обучения. утверждает изучение процессов и их

сущности, методы наблюдения, исследования, широко изучаются результаты деятельности учащихся и документы учебных заведений указал свое применение.

Ключевые слова: исследование, метод, метод, инструмент, обучение, передача знаний, воспитание, процесс, сущность, учение-познание, наблюдение, исследование, деятельность, образование.

Existing pedagogical activities and processes with the aim of enriching and
updating the content of pedagogy.

Abstract: In this article, scientific research methods of pedagogy explain the totality of methods, methods and means of cognition, methods and means of educating the younger generation, forming their knowledge and testing internal connections and connections characteristic of real learning processes. approves the study of processes and their essence, methods of observation, research, the results of student activities and documents of educational institutions are widely studied indicated its application.

Key words: research, method, method, tool, training, knowledge transfer, education, process, essence, teaching-cognition, observation, research, activity, education.

Кириш

Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнатфаолияти жараѐнида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди, уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлди ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб, ривожланиб борди. Кекса авлод меҳнат жараѐнида орттирган тажрибаси асосида ўсиб келаѐтган ѐш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатди.

Асосий қисм

Шундай қилиб, тарбия кишилик жамияти амалий эҳтиѐжининг объектив заруратидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди.

Ижтимоий ҳаѐтнинг турли соҳаларида кишилар орттирган тажрибаларнинг бойиб бориши билан, табиат ва ижтимоий ҳаѐт ҳақидаги билимларнинг орта бориши билан меҳнатда орттирган тажрибаларни ѐш авлодга ўргатиш жараѐни ҳам мураккаблашиб борди. Тарбия моҳирлик ва ишнинг кўзини билишни талаб этди. Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга) Бу методлари орқали ўз мазмунини бойитиб'янгилаб боради) Ҳаётда ва объектив дунёни билиш назариясида нимани ўрганиш ва қандай ўрганиш керак'нимани ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб'улар ўзаро боғлиқдир) Нима қилиш керак ва қандай амалга ошириш лозим деган муаммолар ўртасида диалектик бирлик мавжуддир) Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган методлари билан ўрганади) Шу маънода педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш' билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш'билиш йўллари'услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз) Педагогика ўқитиш'билим бериш'тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қуйидагича ўрганиш-билишни маъқуллайди Илмий тадқиқот усуллари қонуниятли алоқалар, муносабатлар, бо\лиқликларни аниқлаш ва илмий назариялар яратиш мақсадида илмий ахборот олиш усулларидир. +ар бир билиш жараѐнининг, шу жумладан, педагогик ҳодиса ва фактларни билиш жараѐнининг структураси икки даражадаги тадқиқотни — амалий ва назарий тадқиқотни ўз ичига олади. Тадқиқот усулларини танлаш масаласи ана шунга қараб ҳал қилинади. Педагогик ҳодиса ва жараѐнларни билишнинг амалий даражаси тадқиқот давомида аниқланган педагогик далилларни тўплаш,

танлаш, таққослашни, тафаккурда анализ ва синтез қилишни, сон ва сифат жиҳатидан ишлаб чиқишни билдирадн. Тадқиқотнинг бу даражасида кузатиш, сўраш усуллари, ўқувчилар фаолиятининг натижаларини ва таълим-тарбия муассасаларининг ҳужжатларини ўрганиш кенг қўлланилади.

Кузатиш — тадқиқотчининг педагогик жараѐнни, унинг айрим турлари ва томонларини табиий шароитда махсус дастурга мувофиқ кўп ѐки оз муддат идрок қилишидир.

Сўраш усулларига интервью олиш (суҳбатлашиш) ва анкеталаштириш киради. Интервью олиш олдиндан белгиланган, педагогик вазиятга қараб ўзгартирилиши мумкин бўлган режа асосида оғзаки ўтказилади. Пухта ўйлаб мақсадга мувофиқ тузилган, аниқ-равшан ифодаланган саволлар тўпламидан иборат анкета ѐзма сўраш формасидир. Анкетадаги саволлар очиқ саволлар (бунда берилиши тахмин қилинган жавоблар олдиндан маълум қилинмайди), ѐпиқ саволлар (бунда савол берилган бола таклиф этилган жавоблардан биттасини ѐки иккитасини

танлайди) ва ярим ѐпиқ саволлар (бунда савол берилган ўқувчига бир ѐки бир неча жавоб танлаш таклиф этилади ва шу ҳақда ўз фикрини баѐн қилишига нмконият берилади) бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари, медицина карточкалари, мажлис ва кенгашларнинг протоколлари, синф журналлари ва ҳисобот материаллари билан танишиш тадқиқотчини фойдали объектив маълумотлар билан қуроллантиради. Тарбия мазмунини ташкил қилувчи амалий бо\лиликлар, алоқа ва муносабатлар юқорида айтилган усуллар ѐрдамида аниқланади ва ифодаланади. Бироқ педагогика фан бўлгани учун бу билан чекланиб қолмайди. У амалий билимларга таяниб, назарий билиш даражасига кўтарилиши, умумий билимга эга бўлиши, педагогик ҳодисаларнинг

қонуниятлари ва моҳиятини билиши керак. Бунга педагогик тажриба ва педагогик модель ясаш усуллари ѐрдам беради.

Педагогик тажриба — таълим ва тарбия ишидаги бирор усул ѐки приѐмни махсус равишда яратилган ва қатъий ҳисобга олинадиган шароитда тажриба қилиб ѐки текшириб кўришдир. Педагогик тажрибанинг асосий вазифаси педагогик таъсирнинг айрим унсурлари билан унинг натижалари ўртасидаги сабабли-оқибатли боғланишлар нималигини аниқлашдир. Тажриба педагогик ишда бирор усул ѐки приѐмнинг самарали бўлиши мумкинлиги тў\рисидаги илмий жиҳатдан ишончли тахмин асосида ўтказилади. Тажриба ўқувчиларнинг одатдаги ҳаѐти ва фаолияти шароитида ўтиши мумкин. Бу табиий тажриба деб

аталмоқда. Лаборатория тажрибаси синаб кўрилаѐтган ўқувчиларга кўрсатилган педагогик таъсирларнинг характерини ва ўқувчилар бу таъсирларга қандай жавоб қайтарганларини қайд қилиш учун махсус шароитлар яратилиши билан фарқ қилади. Тажриба натижалари оммавий равишда жорий қилишга тавсия этилишдан олдин бошқа тадқиқот усуллари (кузатиш, анкеталаштириш ва ҳоказолар) ѐрдамида текширилиши ва, зарур бўлса, уларга тузатишлар киритилиши керак.

Модель ясаш — ҳақиқатда мавжуд педагогик тизимни шу тизимнинг тузилиш ва ишлаш тамойиллари акс эттирилган махсус ўхшатмалар (моделлар) ясаш йўли билан моддий ѐки фикрий гавдалантиришдир. Моделлаштириш орқали тизимнинг шу аниқ ҳолда аҳамиятсиз бўлган хусусиятларини эътибордан соқит қилиш мумкин. Педагог-тадқиқотчи модель ясаш усулидан фойдаланганда айрим хосса, шакл ва жараѐнларни аналитик усулда ўрганишдан яхлит тизимларни

синтетик усул билан билишга ўтиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса.

Хулоса килиб айтганда, педагогика фаниниг ўрганиш сохаси (предмети) тарбия таълим маълумот бўлиб, у ёш авлодни, тарбиялаш, ўкитиш, маълумотли килишнинг конуниятлари, мазмуни, усуллари, воситаларини ўргатади. Шунинигдек педагогика фани ўкувчиларнинг ижодий

кобилиятларини намоён килиш, интелектуал жихатдан ривожлантиришнинг маънавий дидактик шарт шароитларини яратиш ва таъминлаштиришни назарда тутади. Шунинг учун ижтимоий киёсий хаёт ва тараккиётнинг кейинги боскичларида педагогика фанини ёшлар ва катта ёшдаги кишиларни тарбиялаш, ўкитиш ва маълумотли килишнинг конуниятлари, шакл, воситаси методларини ўргатувчи фан сифатида кабул килишга асос солинди.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati

1. Vygotskiy L.S. Bola rivojlanishining psixologiyasi. - M .: "Sense", 2004 yil.

2. Foziev E. Ontogenez psixologiyasi. – T.: “Nashriyot”, 2010. – B. 142.

3. Davletshin M.G., Do‘stmuxamedova Sh.A. va boshqalar. Yosh davrlari va tarbiya psixologiyasi. - T., 2009 yil.

4. Xamidovna, Mamayusupova Iroda. "EVACUATION OF THE LEVEL OF CONFLICTS IN CONFLICT SITUATIONS BETWEEN ADOLESCENTS." Confrencea 1.1 (2023): 23-2

5. Khamidovna, Mamayusupova Iroda. "MASTERY OF MANAGING PEDAGOGICAL COMMUNICATION STUDY, GENERALIZATION AND DISSEMINATION OF ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCE." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.12 (2022): 1217-1222.

6. Khamidovna M. I. CAUSES OF FAMILY CONFLICTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 870-872.

7.Khamidovna, M. I. (2022). The influence of older people on the formation of the spiritual environment in Uzbek families. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429,11(10)360364.